

**Қилчев Хайрулла Маматович,**

Ички ишлар вазирлиги Академияси Қасбий  
тайёргарлик факультети Махсус фанлар  
цикли бошлигининг ўринбосари



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-9-3>

## **ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ ИШТИРОКИДА ТУЗИЛАДИГАН ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Аннотация:** мақолада фуқаролар йигинлари фаолиятида фуқаролик-хуқуқий шартномалар тузиш ва унга амал қилиш маданиятининг даражаси таҳлил қилинган ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш механизмлари сифатида шартномаларнинг аҳамиятини ошириш бўйича илмий асосланган таклифлар илгари сурилган.

Фуқаролар йигинлари фаолиятида фуқаролик-хуқуқий шартномаларнинг ролини ошириш, келгусида аҳолининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларини ҳал этишга, ушбу ноёб тузилманинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтиришга, жойларда халқнинг маслақдоши ва кўмақдошига айланганлигига хизмат қилиши асосланган.

**Калит сўзлар:** маҳалла, фуқаролар йигини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахс, фуқаролик жамияти, фуқаролик-хуқуқий шартномалар.

---

**Қилчев Хайрулла Маматович,**

Заместитель начальника цикла специальных дисциплин  
факультета профессиональной подготовки  
Академии Министерства внутренних дел.

## **СУЩНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ, ЗАКЛЮЧАЕМЫХ С УЧАСТИЕМ ГРАЖДАНСКИХ СОБРАНИЙ**

**Аннотация:** в статье анализируется уровень вовлеченности цивилизации в деятельность собраний граждан и уровень их культуры, а также выдвигаются научно обоснованные предложения по повышению значимости договоров как механизмов укрепления социально-экономических основ органов гражданского самоуправления.

Повышение роли гражданско-правовых соглашений в деятельности гражданских собраний основано на решении вопросов местного значения населения, дальнейшего усиления роли и роли этой уникальной структуры в обществе и превращения людей в народные народы.

**Ключевые слова:** махалля, собрание граждан, органы гражданского самоуправления, юридические лица, гражданское общество, гражданско-правовые договоры.

## ESSENCE AND SIGNIFICANCE OF THE CIVIL CONTRACTS SIGNED WITH PARTICIPATION OF CITIZENS' ASSEMBLY

**Annotation:** The article analyses the level of the involvement of a civilization into activity of citizens' assembly and level of their culture and evidence-based proposals on increasing the importance of contracts as mechanisms of strengthening social and economic bases of civil self-government bodies.

Increasing the role of civil contracts in the activity of civil assembly based on the solution of questions of local value of the population, further strengthening the role and role of this unique structure in society and transformations of people into the national people.

**Key words:** makhalla (local community), citizens' assembly, self-government bodies, legal entity, civil society, civil contracts.

**For citation:** Khayrulla Mamatovich Kilichev. ESSENCE AND SIGNIFICANCE OF THE CIVIL CONTRACTS SIGNED WITH PARTICIPATION OF CITIZENS' ASSEMBLY. Journal of Law Research. 2019, 9 vol., issue 1, pp. 16-24

Маҳалла институти юртимизда азалдан чинакам миллий қадриятлар, эзгу амаллар маскани бўлиб келган. Меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, етим-есир бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаъна ҳаёт ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар маҳалла муҳитида шаклланган. Ушбу ноёб ижтимоий тузилма мамлакатимизнинг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айланди [1]. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" концепциясини ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишда энг муҳим ташкилий-институционал бўғинга айланди.

Маълумки, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг [2] 3-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолият эканлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш" тушунчаси демократик қадриятлар билан узвий боғлиқ бўлиб, маҳалла институти фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини эканлигини кўрсатиб беради.

Айни пайда, эркин ва доимий равишда ўтказиб туриладиган сайловлар орқали фуқаролар йиғинлари органларининг шаклланиши демократик қадриятларнинг асосини ташкил этади.

Демак, маҳалла институтининг ҳақиқатда "халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи кўприк" вазифасини ўташи, "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" концепциясининг амалиётга тўлақонли тадбиқ

---

---

этиш ҳамда таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш мақсадида либерализм қоидаларини босқичма-босқич жорий этиш лозим.

Албатта, либерализмнинг инсон ва жамият учун берадиган имкониятларини ҳам инкор этиб бўлмайди. Хусусан, либерализм меҳнат унумдорлигини ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фуқаролар фаоллигини оширишга хизмат қилади [3, Б.46]. Бунинг учун немис олими Вильгельм фон Гумбольдтнинг (1767-1835) "Давлат фаолияти чегарасини ўрнатиш тажрибаси" номли асарига (1851) таъкидланганидек, "давлат инсон учун кўпроқ қулай ҳолатларни вужудга келтириши зарур" [4, С. 627-635].

Инсонларнинг маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни биргаликда ҳал этиш, ўз навбатида давлатнинг ўзи манфаатдор бўлган ушбу чора-тадбирларни самарали амалга ошириш учун иқтисодий дастакларни, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг моҳияти ва аҳамиятини ошириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [3, Б.46].

Бунинг учун дастлаб, фикримизча амалдаги қонунчилик нормалари асосида фуқаролар йиғинлари фаолиятида шартномалар тузиш ва унга амал қилиш маданиятининг даражасини таҳлил қилиш ҳамда унинг натижаларидан, қолаверса хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларини ва мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

Назаримизда ушбу устувор вазифа, нафақат маҳалла институтининг фуқароларнинг кундалик турмушда учрайдиган долзарб муаммоларни бартараф этишга, балки муайян қонун ҳужжатининг ҳудуддаги ижросини таъминлашга масъул бўлган давлат органи фаолияти устидан самарали жамоат назоратини амалга оширишда ушбу давлат органига "тобе" бўлмаслигига, энг муҳими маҳаллада вояга етгаётган шахснинг ижтимоийлашувига, унинг ҳар томонлама баркамол авлод сифатида шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Зеро, фуқаролик жамиятини қуришни ўзининг асосий мақсади қилган миллий давлатчиликни ривожлантиришда бошқарувнинг турли вазифаларини босқичма-босқич кўйи тузилмаларга, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топшириш ушбу "таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси"нинг мавқеини, биринчи навбатда молиявий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш чораларини кўришни тақозо этади.

Жумладан, фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғинининг Кенгаши, фуқаролар йиғини раисининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида белгиланган ваколатлари ҳам уларни самарали амалга ошириш учун иқтисодий механизмларни, шу жумладан фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш имкониятларини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Хусусан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ:

биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фуқаролар йиғинининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини, ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашга, тегишли ҳудуд доирасида ободонлаштиришга,

---

---

кўкаламзорлаштиришга ва санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлаш ҳамда ўз маблағларини шакллантириш, фуқаролар йиғини мол-мулкига эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ваколатларига эга (Қонуннинг 11-моддаси);

иккинчидан, фуқаролар йиғинининг кенгаши ҳудудда яшовчи фуқаролар бандлигини таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга кўмаклашиш ҳамда аҳолининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар спорт майдончаларини жиҳозлаш, моддий маданий мерос объектларини яроқли ҳолда сақлаш, дафн этиш жойларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлашга доир ишларда ихтиёрийлик асосида қатнашишини ташкил этиш, ана шу мақсадларда ўз маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга (Қонуннинг 13-моддаси);

учинчидан, фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) фуқаролар йиғини номидан шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузиш ҳамда фуқаролар йиғини маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этиш ваколатларига эга (Қонуннинг 14-моддаси);

тўртинчидан, Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрияларидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топиши ҳамда фуқаролар йиғини банк ҳисобварағидаги молиявий маблағларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга эканлиги соҳада фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ролини ошириш зарурлигидан далolat беради.

Айни пайтда, фуқаролар йиғинларининг шартномалар тузиш, молиявий маблағларни мустақил тасарруф этиш каби ваколатлари ҳақида сўз юритганда қонунчиликдаги мавжуд юридик коллизияни бартараф этиш лозимлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Жумладан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувиغا йўл қўйилмаслиги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг [5] 4-моддасида эса халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши билан бир қаторда, вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб туриш ваколатларига эга эканлиги ушбу қонун ҳужжатлари қоидаларини ўзаро мувофиқлаштириш лозимлигини тақозо этади. Назаримизда, бу борада "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб, фақат халқ вакилларидан иборат бўлган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига ушбу ваколатни қолдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [6, Б.214-215].

Албатта, бундай ҳуқуқий чоралар амалга оширилмас экан, Ш.О.Мамадалиев тўғри таъкидлаганидек, "маҳаллий ҳокимият ўзини ўзи бошқариш органларини ўзига тўла итоатда ушлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам ушбу органлар том маънодаги жамоатчиликнинг ўзини ўзи бошқариш институти дейиш қийин" [7, Б.241-242], деган хулосага келишга асос бўлади.

Фикримизча, фуқаролар йиғинлари фаолиятида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ролини ошириш, уларнинг молиявий-иқтисодий

---

---

механизмларини такомиллаштириш учун қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилган фуқаролар йиғинлари томонидан айрим "қўмаклашиш" функцияларини ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотларига ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, пудрат шартномалари орқали амалга оширилишини белгилаш лозим. Зеро, "қўмаклашиш", ўз хусусиятига кўра, ихтиёрий фаолият бўлиб [7, Б. 244], унинг моҳиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотларига қўмаклашиши ихтиёрий асосида амалга оширилишини англатади.

**Чунончи, Қонуннинг 13-моддасида белгиланган фуқаролар йиғинлари кенгашларининг:**

а) сув таъминоти манбаларининг, турар жойларнинг, таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати, ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига, савдо қоидалари ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда тегишли давлат органларига қўмаклашиш;

б) ҳудудда яшовчи фуқаролар бандлигини таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга қўмаклашиш;

в) деҳқон, фермер хўжалиklarининг ва томорқа ер эгаларининг фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш;

г) аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига қўмаклашиш;

д) фуқароларни фуқаро муҳофазасига доир тадбирларни ўтказишга жалб этишга, ҳарбий хизматга мажбурлар ва қақирилувчиларни хабардор этиш ҳамда мудофаа ишлари бўлимларига қақирини ташкил қилишга қўмаклашиш каби ваколатларини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари орқали амалга оширилишини қонуний белгилаш лозим.

Албатта, юқорида қайд этилган ваколатларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан "қўмаклашиш" функциясининг самарали амалга оширилишидан ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳам манфаатдор бўлиб, бу борада Г.Маликова ўзининг тадқиқот ишида келтириб ўтган қуйидаги мисолни таъкидлаб ўтиш жоиз: "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бевосита Мудофаа вазирлигига тегишли бўлган ваколатларни маълум даражада амалга ошираётган экан, Мудофаа вазирлигининг туман мудофаа бўлими билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликка асосланган икки тарафлама шартнома тузилиши, шу билан бирга, ушбу шартномада амалга оширилиши керак бўлган ваколатларни ва бунинг учун сарфланиши назарда тутилаётган молиявий харажатлар миқдори, шунингдек, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга соладиган муносабатларнинг қайд этилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу ҳаракатларнинг қонун доирасида амалга оширилиши билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади, деб эътироф этилган экан, шу ўринда ижтимоий ҳамкорликка асосланган шартноманинг тузилиши ҳар иккала тараф учун фойдали бўлади" [8, Б.215-216].

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун [9] қабул қилинган бўлиб, унинг 3-моддасида "ижтимоий шериклик - давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва

---

---

фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлиги" эканлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Қонуннинг мазкур моддасида давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги алоҳида қонунлар билан тартибга солиниши назарда тутилган.

Фикримизча, қабул қилинган ушбу Қонун талабларидан келиб чиқиб, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари назарда тутовчи қонун ҳужжатлари ва уларни амалга ошириш тартиб-таомилларини белгилаш пайти келди [8, Б.219]. Мазкур қоидаларнинг белгиланиши фуқаролар йиғинлари фаолиятида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ролини оширишга, молиявий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

2. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат органлари ва жамоат ташкилотларига "кўмаклашиш" функцияси орқали ижтимоий ҳамкорликни амалга оширишларини назарда тутувчи қонун ҳужжатлари, шу жумладан қонун ости ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар (ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, пудрат, ижара шартномалари кабилар) орқали амалга ошириш мумкин бўлган қоидаларни белгилаш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Мисол учун, "Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомобилотранспорт воситаларининг ҳисобини юритиш, уларнинг ҳолатини аниқлаш, шунингдек, фойдаланишга яроқсиз, утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлинадиган транспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг [10]

7-бандида мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомобилотранспорт воситаларини инвентаризациядан ўтказиш жараёнига фуқаролар йиғинлари фаоллари (вакиллари) жалб этилиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, назаримизда ушбу ижтимоий хизматларни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари асосида амалга ошириш лозимлигини назарда тутиш зарур.

Албатта, фуқаролар йиғинлари фаолиятининг молиявий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ушбу таклифлар келгусида ҳудудлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни, аҳолининг долзарб муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

3. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни талабларига мувофиқ, фуқаролар йиғинлари томонидан шартнома асосида ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотларига кўмаклашишларини назарда тутувчи ваколатларини амалиётда ҳақиқатдан ҳам фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида таъминланишини назарда тутадиган таъсир чораларини кўриш зарур.

Жумладан, Қонуннинг 11-моддасига асосан фуқаролар йиғинлари коммунал тўловлар ундирилишини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш бўйича тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уйлар ва ҳовлиларни

---

---

намунали сақлашга доир ишларни ихтиёрийлик асосида ташкил этишда шартнома асосида кўмаклашишлари белгиланган бўлиб, амалиётда бу борада аксарият фуқаролар йиғинларида коммунал хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузилмаслиги кузатилади.

Назаримизда, ушбу ҳолатнинг объектив сабаблари сифатида фуқаролар йиғинлари раисларининг қонунчиликда белгиланган ушбу ваколатни ёки уни амалга ошириш механизмларини билмасликларини, субъектив сабаблари сифатида эса коммунал хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотларнинг фуқаролар йиғинлари билан шартнома тузишдан сунъий равишда бош тортишларини кўрсатиш мумкин.

**Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 17 майда 1032-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг [11] 9-бандига мувофиқ, коммунал хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар коммунал хизматлар учун жорий тўловлар бўйича прогноз тушумлари бажарилган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан тузилган шартномалар асосида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг махсус сўётларига ажратмаларни амалга оширишлари белгиланган:**

100 фоиз бажарилганда - тушган тўловлар суммасидан 10 фоизи;

75 фоиздан ортиқ бажарилганда - тушган тўловлар суммасидан

5 фоизгача;

электр энергияси бўйича топшириқ 100 фоиз бажарилганда - электр билан таъминлашнинг туман (шаҳар) корхоналари томонидан тақдим этилган, топшириқ-рўйхатларда кўрсатилган истеъмолчилардан муддати ўтган дебиторлик қарзининг ундирилган суммасидан 2 фоизгача.

Аммо, ҳуқуқни қўллаш амалиётида кам сонли фуқаролар йиғинларигина ушбу ваколатдан самарали фойдаланиб келаётганликларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун, фикримизча ушбу ваколатнинг шартнома асосида амалга оширилишини таъминлашга қаратилган механизмларни ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини белгилашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчаларни қонун ҳужжатларига киритиш фойдадан холи бўлмайди.

4. Фуқаролар йиғинларининг қонунчиликда белгиланган ва шартнома асосида амалга оширилиши лозим бўлган ваколатларини амалда самарали ижросини таъминлаш мақсадида намунавий фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни тузиш ва риоя қилиш механизмлари бўйича услубий тавсияларни тайёрлаш ва амалиётга тадбиқ этиш лозим.

Хусусан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддасига асосан, фуқаролар йиғинларига ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, тегишли ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария жиҳатдан тозалаш, кам таъминланган оилаларга уларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда, шунингдек коммунал хизматлари ҳақини тўлашда ёрдам кўрсатиш учун ихтиёрийлик асосида жисмоний шахслардан маблағ йиғиш, юридик шахсларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш

---

---

ваколати берилган бўлиб, бу борада фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг намунавий шакллари ишлаб чиқилмаганлиги, амалиётда аксарият фуқаролар йиғинлари томонидан ушбу ваколатни амалга оширишнинг натижадор бўлмаслигига олиб келмоқда.

Ёки бўлмаса, Қонуннинг 14-моддаси талаблари асосида фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли)нинг фуқаролар йиғини номидан шартномалар тузиш ваколатининг ҳам самарали амалга оширилишига, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузиш ва уларга амал қилиш маданияти юқори даражада бўлишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, истиқболда фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган объектларни, кўчмас мулкларнинг олди-сотди, ижара шартномаларини расмийлаштирилганлиги учун тўланадиган давлат божининг муайян қисмини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига банклардаги ҳисоб рақамларига ўтказиш тизимини йўлга қўйиш масаласини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг моҳияти ва аҳамиятини оширишга хизмат қиладиган ҳуқуқий механизмларни қонунчиликда белгилаш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш истиқболда муҳим иқтисодий восита сифатида маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтиришга, ушбу ноёб тузилманинг жойларда халқнинг маслакдоши ва кўмакдошига айлантиришга хизмат қилади.

---

#### Иқтибослар/Сноски/References

---

1. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш - барқарор тараққиёт кафолатидир / Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2016 йил 19 октябрдаги VIII съезидаги маърузаси // uzlidep.uz. (Mirziyoev Sh.M. Continuous continuation of democratic reforms, creating peace and harmony for our people is a guarantee of sustainable development / The speech of the Liberal Democratic Party of Uzbekistan at the VIII Congress of the Movement of Entrepreneurs and Businessmen, October 19, 2016 // uzlidep.uz.)

2. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-350-сонли қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 й. - № 4. - 96-м. (Law of the Republic of Uzbekistan "On citizens' self-government bodies" in new edition, approved by the Law of the Republic of Uzbekistan on April 22, 2013 № LRU-350 // Gazette of the chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2013 - № 4. - 96 meters.)

3. Жўраев Б.И. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари: юрид. фанлар доктори ... диссертацияси. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2008. (Juraev B.I. Organizational and legal aspects of liberalization of state and public construction in Uzbekistan: doctor of law. doctoral dissertation. - T.: Academy of State and Social Construction under the President of the Republic of Uzbekistan, 2008.)

4. Гумбольдт В. Опыт установления пределов государственной деятельности. В кн.: Антология мировой политической мысли. В 5 т. Т.1. Зарубежная политическая мысль: истоки и эволюция. - М.: Мысль, 1987. (Gumboldt V. Experience of establishing limits of state activity. Book: Anthology of global political thoughts. In volume 5. T.1. Foreign political thought: source and evaluation. - M.: Thought, 1987.)



---

5. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги 913-ХП-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й.- № 9. - 320-м. (Law of the Republic of Uzbekistan on September 2, 1993 № 913-ХП "On local government" // Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1993 - №. 9. - 320 article.)

6. Бойдадаев М. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қурилиши ва бошқарув тизимининг шаклланиши ҳамда такомиллашувининг ҳуқуқий асослари: юрид. фанлар доктори ... диссертацияси. - Т.: ЎзРси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, 2001. (Boydadaev M. Legal basis of formation and improvement of the structure and administrative system of the rule of law and civil society in Uzbekistan: doctor of law, doctoral dissertation. - Academy of State and Social Construction under the President of the Republic of Uzbekistan, 2001.)

7. Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимиятчилиги: генезиси, назарияси, амалиёти (фалсафий-ҳуқуқий тадқиқот): фалсафа фанлар доктори ... диссертацияси. - Т.: ЎзРси ИИВ Академияси, 2004. (Mamadaliyev Sh.O. People's authority: genesis, theory, practice (philosophical and legal research): the dissertation of the doctor of philosophical sciences. - Т.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2004.)

8. Маликова Г.Р. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг конституциявий (ҳуқуқий) асосларини такомиллаштириш муаммолари: юрид. фанлар доктори ... диссертацияси. - Т.: ЎзРси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти, 2009. (Malikova G.R. Problems of institutionalization of the constitutional (legal) basis of civil self-governance institutions: doctor of law, ... dissertation. - Т: Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan Tashkent State Law Institute, 2009.)

9. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги ЎРҚ-760-сонли қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й. - № 39.- 488-м. (Law of the Republic of Uzbekistan "On social partnership" № LRU-760 on September 25, 2014 // Law of the Republic of Uzbekistan" - № 39.- 488 article.)

10. Изоҳ; Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 272-сонли қарори билан тасдиқланган // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил 1 апрель, 09/19/272/2863-сон. (Note: This Regulation is developed by the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated 2019. It is approved as the order of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan from April 30, 2013 of № 272)

11. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари Миллий базаси ахборот-излаш тизими ("LexUZ" тизими). (Information-search system of the National legislation of the Republic of Uzbekistan (system "LexUZ").